


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНинг МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК БҮЙИЧА АХБОРОТ- ТАЪЛИМ ВЕБ-САЙТИ



Биз билан молиявий саводхонликни ошириш жуда осон!



@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

www.finlit.uz



БАНК МАҲСУЛОТЛАРИГА ОИД КЎРСАТМАЛАР

**Finlit.uz – молия оламидаги
шахсий навигаторингиз**



**Кредит муаммонинг
ажойиб ечими ёки
аксинча, қарз олувчи
учун бош оғриғи
бўлиши мумкин**

Тавсия! Молиявий имкониятларингизни ортиқча баҳоламанг

Нафақат иш ҳақи / стипендия / пенсияни, балки
бошқа кутилмаган вазиятларни ҳам инобатга олинг

**Оддий ва муҳим қоида мавжуд: агар сиз қарз олишга қарор
қилсангиз, ойлик кредит тўловлари жами суммаси ойлик
даромадингизнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.**

Шуни ҳам билиш керакки, фоизларни тўлашдан
ташқари, кредит олиш ва ундан фойдаланишда бошқа
қўшимча харажатлар ҳам юзага келиши мумкин

КРЕДИТНИНГ ТҮЛИҚ ҚИЙМАТИ

бу қарз олувчининг кредитни расмийлаштириш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш учун барча ҳаражатларини ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича жами (йиллик фоизлар ва пул миқдоридаги) тўловларнинг умумий суммаси ҳисобланади

Эътибор қаратинг! Кредитнинг тўлиқ қиймати кредит шартномасида кўрсатилиши керак

Эсада тулинг! Кредит бўйича шартнома тузилгандан сўнг, кредит маблағлари ўтказмаси амалга оширилмасидан олдин, ҳеч қандай тўловларсиз кредитни олишдан воз кечиш ҳуқуқига эгасиз

✓ Агар кредитни эртароқ ёпишга қарор қабул қиласангиз

Сиз санкция ва жарималарсиз кредитни тўлиқ ёки қисман тўлаш ҳуқуқига эгасиз

Муҳим! Кредит шартномаси тузилаётганда, кредит (лизинг)ни жарима санкциялари ундиrmаган ҳолда исталган вақтда муддатидан олдин қайтариш юзасидан банд киритилишини сўранг

АГАР СИЗ АЛЛАҚАЧОН КРЕДИТ ОЛГАН БЎЛСАНГИЗ, ҚУЙИДАГИ ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНГ:

1-қоида

Сиз шартномада белгиланган жадвалга мувофиқ кредитни тўлашингиз шарт. Муддатли тўловлар билан кечикишлар жарима ҳисобланишига олиб келади ва сизнинг кредит тарихингизга таъсир қилади

2-қоида

Қарздорлик ҳолатини назорат қилинг. Қарздорлик ҳолатини телефон, расмий веб-сайтдаги шахсий кабинет орқали, шунингдек, хизмат кўрсатувчи банкнинг мобил иловасидан топиш мумкин. Илига бир марта банк билан кредит қарздорлигини солишириш тавсия этилади

3-қоида

Банқдан алоқа маълумотларини яширмаслик, қонунга кўра- янгиланган алоқа маълумотларини эса банкка маълум қилиш керак, бу қарздорнинг мажбурияти. Намунали банк сиз тўловларни кечиктирмаслигингиз ва яхши кредит тарихини сақлаб қолишингизга ёрдам бериш мақсадида, ўз вақтида тўлов ва муддати ўтган тўловлар билан боғлиқ муаммолар ҳақида огоҳлантириб туришга ҳаракат қилади.

Муҳим! Кредит тўловларини тўлаб боришингиз сизнинг кредит тарихингизни ва кредит скорингингизни шакллантиради, бу мамлакатдаги исталган кредит муассасасида кредит олиш учун мурожаат қилишингизда муҳим аҳамиятга эга